

**МАРДЛИК КОНЦЕПТУАЛ СЕМАНТИКАСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ТИЛ ВА НУТҚ
БИРЛИКЛАРИНИНГ ТИЛЛАРАРО МУВОФИҚЛИГИ**

Қорабоев Жасурбек Боҳодирович

Андижон давлат педагогика институти, катта ўқитувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7326443>

Аннотация. Мақола тилишуносликда концепт терминининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишига багишланган бўлиб унда инглиз ва ўзбек тилларида концептнинг лингвокультурологиядаги ўрни ҳамда ахборот етказишдаги роли ва уларнинг стилистик хусусиятлари ёритилган.

Калим сўзлар: концепт, когнитив, лингвомаданиятишунослик.

Маълумки, инглиз ва ўзбек тилларида “courage”/“мардлик” концептининг лисоний манзарасини ташкил этувчи тил ва нутқ бирликлари, хусусан, уларнинг коммуникатив-прагматик, миллий-маданий жиҳатлари, уларни ўзга тилда қайта яратиш масалалари маҳсус монографик тадқиқотларнинг обьекти сифатида ўрганилмаган.

Бугунга келиб мулоқот ва билим воситаси сифатида тадқиқ этиш баробарида, тилнинг лисоний манзарасини инсон онгида акс этиши ва репрезентациясида тил маданий кодлар йигиндиси сифатида қарашиб тенденцияси забардастлашиб бормоқда. Фразеология бу маънода лексиканинг нисбатан кўпроқ маданий ахборот ташувчи қатлами бўлиб, унда турли этносларнинг маданий тажрибаси, оламни ўзига хос равишда қўриш, идрок этиш тарзи намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан тилнинг фразеологик фонди халқ маданияти, менталитети ҳақида қимматли маълумотлар берувчи манба ҳисобланади. Уларда халқ тарихи, урф-одатлари, қадриятлари, ахлоқи ва одоби кабилар ўрин олган бўлади. В.А.Телия сўзлари билан айтганда, “тилнинг фразеологик таркиби-кўзгу бўлиб, унда лингвомаданий” умумийлик ўзининг миллий ўзини англаш билан идентификациялашади. Фразеологик бирлик терминининг кенг маънода тушунган ҳолда, бу термин орқали идиомалар, фразеологик бирикмалар, мақол ва маталларни назарда тутамиз.

Бундай миллий фразеологизмларнинг яратувчиси халқ бўлиб, унда ўша халқ орзу умидлари, фикр-ўйлари, ҳақиқатлари ва руҳонияти ўз аксини топади. Профессор М.Э.Умархўжаев таърифича, “фразеологик бирликлар камида иккита тўлиқ ёки қисман семантик ўзгартирилган таркибий қисмларни ўз ичига олган сўз бирикмалари бўлиб, алоҳида сўзлар ҳар қанча қайта ишланмасин фразеологик бирлик бўла олмайди”. А.Э.Маматов фразеологик бирликларга қуйидагича таъриф беради “тузилиши жиҳатдан сўз бирикмасига ёки гапга teng бўлган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғун лексик-семантик бирликлар фразеологик бирликлар доирасига киритилади”.

Таникли рус олими В.В.Виноградов фразеологик бирликларни семантик хусусиятларига кўра уч гурухга бўлади. Биринчи гурухга мансуб фразеологик бирликларни фразеологик чатишма деб атайди. Бу тилдаги фразеологик бирликлар кўчма маъноли бўлиб, унинг умумий маъноси компонентлар маъносидан келиб чиқмайди. (ковун туширмоқ, мум тишламоқ, dogs in blanket, have other joli to try (бошқа мухим ишлари бор бўлмоқ)). Кейинги гурухга мансуб фразеологик бирликлар шундай турғун

бирикмаларки, улар яхлит кўчма маънога эга бўлсада, уларнинг умумий маъноси компонентлар маъносидан келиб чиқади: кўзга ташланмоқ, юраги қора, шамолга учмоқ.

Учинчи гурухга мансуб фразеологик бирикмалар шундай бирикмаларки, қисман кўчма маънога эга бўлиб, компонентлари омонимлар билан алмаштирилган ёки алмаштирилиши мумкин: add fuel to the fire (flame) оловга ёғ қуймоқ.

Инглиз ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари, фразеологик луғатлар, инглиз ва ўзбек адиблари асарлари таржималари устида ўтказилган таҳлиллар қиёсланаётган тилларда фразеологик бирликлар моноэквивалент ёки полиеэквивалентлик хусусиятига эга эканлигини кўрсатди.

Моноэквивалент фразеологик бирликлар деганда таржима тилида фақатгина битта эквиваленти (мувофиғи) бўлган гурух бирикмаларини назарда тутамиз: have the courage of one’s convictions=фикрларини қатъиятлилик билан ҳимоя қилмоқ. Keep lip one’s courage=руҳан тушкунликка тушмаслик, as brave as a lion-шердек кўрқмас.

Моноэквивалентларни тўлиқ ёки қисман эквивалент турғун бирликларга бўлиш мумкин. Тўлиқ моноэквивалент фразеологик бирликлар маъноси, лексик таркиби, ифодалилиги ва грамматик тузилиши мос бўлган фразеологик бирликлардир: A stout heart=кўрқмас юрак; have heart to do or to say with=бирон нарса қилишга ёки айтишга юраги бетламоқ, the bride of the sea=денгиз келини (венецияда денгизлардаги ҳукмронлиги назарда тутилган), the asses bridge=ҳазил, эшак кўприги (Евклид геометрияси китобидаги бешинчи теорема, ўқувчиларга тушуниш қийинлиги учун шу номни олган).

Қисман эквивалент бўлган фразеологик бирликлар маъно жиҳатидан бир хил, лекин лексик таркиби, грамматик қурилишига кўра фарқ қилувчи моноэквивалентлар бўлиб, уларни уч тоифага бўлиш мумкин: а) лексик таркибига кўра фарқ қилувчи лекин маъноси ва семантик жиҳатлари бир хил, ифодалилигига кўра яқин бўлган инглиз фразеологизмларининг ўзбекча эквивалентлари: ушбу гурухга кирувчи баъзи фразеологик бирликларни астонимик таржима усули орқали ҳам таржима қилиш мумкинлиги аниқланди. Бундай ҳолларда имлицид равишда ифодаланган инкор маъноси ўзбек ва рус тилларида негатив конструкциялар орқали ифодаланади: shut one’s heart to fear=кўрқувни билмаслик; steel one’s heart against fear=кўрқувни кўрсатмасликка ҳаракат қилмоқ.

б) Иккинчи гурухга мансуб инглиз фразеологик бирликларнинг ўзбекча эквивалентларида маъно ифодалилик ва стилистик вазифасига кўра ўхшамаслик лекин сўз таркибида фарқли жиҳатлар кузатилади: pluck up heart(spirit)=жасорат, терламоқ, бор жасоратини ишга солмоқ.

в) учинчи гурух инглизча фразеологик бирликларнинг ўзбекча эквивалентлари маъноси, стилистик жиҳатларига кўра мос турсада, ифодалилигига кўра бир-бирларидан фарқ қилади. Шуни таъкидлаш лозимки, бундай тоифа фразеологик бирликларнинг грамматик тузилиши мос ёки мос бўлмаслиги мумкин. Бизда тилдаги ифодалиликка эга фразеологик бирликларнинг аксарияти қисман эквивалент фразеологик бирликлар орқали таржима қилиниши кузатилди: take one’s courage in both hands=жасоратни икки қўлга олмоқ (астойдил жасорат кўрсатмоқ).

Ушбу гурухга мансуб мақоллар антоним эквивалентлар орқали таржима қилиниши ҳам мумкинлиги қуйидаги мисолларда яққол намоён бўлади: none but the brave deserve the fair (proverb)

Полиэквивалент фразеологик бирликлар ўзбек тилида бирдан ортиқ эквивалентларига эга бирликлар бўлиб, уларни тилдан тилга ўгиришда амалиётчи таржимон маълум контекстга мос келувчи вариантини танлаб олиши керак бўлади. Масалан: A man of his hands фразеологик бирлигининг рус тилида храбрый, мужественный человек, опотный человек, мастер на всё руки, золотые руки, ўзбек тилида эса, жасур, ботир, эркак киши каби эквивалентлари мавжуд.

REFERENCES

1. Телия В. Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Наука, 1986. – С.9.
2. Умархўжаев М. “Қизил китоб” га тушмас туйғулар: қомусий лугат. –Тошкент: Akademnashr, 2019. – С.27.
3. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент,1991.
4. Кушнир О. Н.. Категоризация как всеобщая процедура. Динамика лингвокультурных концептов, вербализуемых заимствованными префиксами.). М., 2012.
5. Кутьева М.В. Прагматические особенности испанских соматических идиом. Вестник РУДН, серия *Лингвистика*, Москва. 2010, № 2. –С. 42-50.
6. Лихачев Д.С. Логический анализ языка. Культурные концепты. М., 1991.С.280-287